

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1**



Бош муҳаррир:

Холбеков Муҳаммаджон

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бош муҳаррир ўринбосари:

Тўхтасинов Илҳом

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Тахрир хайъати:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умарўгли

ф.ф.д., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Бокиева Гуландом

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Махмудов Низомиддин

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

ф.ф.д., профессор (Россия)

Жўраев Маматкул

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Жеймс Форт

Мичиган университети (АҚШ)

Умархўжаев Мухтор

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Болтабоев Ҳамидулла

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дўстмухаммедов Хуршид

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

ф.ф.д. (Грузия)

Юсупов Ойбек

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

Главный редактор:

Холбеков Муҳаммаджон

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:

Тухтасинов Илҳом

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

Редакционная коллегия:

Назаров Бахтиёр

академик. (Ўзбекистон)

Якуб Умар оглы

д.ф.н., профессор (Туркия)

Алмаз Улви Биннатова

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Бакиева Гуландом

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Миннуллин Ким

д.ф.н., профессор (Татарстан)

Махмудов Низомиддин

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Керимов Исмаил

д.ф.н., профессор (Россия)

Джураев Маматкул

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Куренов Рахыммамед

к.ф.н. (Туркменистон)

Кристофер Джеймс Форт

Университет Мичигана (США)

Умархаджаев Мухтар

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Балтабоев Ҳамидулла

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

Шиукашвили Тамар

д.ф.н. (Грузия)

Юсупов Ойбек

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

Editor in Chief:

Kholbekov Muhammadjan

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Deputy Chief Editor

Tuhtasinov Ilhom

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:

Bakhtiyor Nazarov

academician. (Uzbekistan)

Yakub Umarogli

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

Almaz Ulvi Binnatova

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

Bakieva Gulandom

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Minnulin Kim

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

Mahmudov Nizomiddin

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kerimov Ismail

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

Juraev Mamatkul

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Kurenov Rakhimmamed

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Christopher James Fort

University of Michigan (USA)

Umarkhodjaev Mukhtar

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Mirzaev Ibodulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Boltaboev Hamidulla

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Dustmuhammedov Khurshid

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Lixodzievsky A.S.

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Siddiqova Iroda

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

Shiukashvili Tamar

Doc. of philol. sci. (Georgia)

Yusupov Oybek

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Адабиётшунослик

- 1. Rahmonqulova Zarnigor**
DISTOPIK EKZISTENSIALIZMNI INGLIZ YOZUVCHISI UILYAM
GOLDINGNING “LORD OF THE FLIES” ROMANIDA AKS ETISHI.....6
- 2. Усманова Севара**
ЧЎЛПОН ВА С.РИЧАРДСОН РОМАНЛАРИДА БАДИИЯТ МУАММОЛАРИ.....14
- 3. Yusupova Dildora**
SHOIR SO‘Z AYTGANI KELAR DUNYOGA...(Shoira Halima
Xudoyberdiyevaning hayot va ijod yo‘liga chizgilar).....21
- 4. Қўчқорова Садоқат**
ФОЛЬКЛОРДА ЭРТАКНИНГ ЖАНР СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТИ.....28
- 5. Мажитова Сабоҳат, Ярашов Шариф**
АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ВА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҲАЗАЛЛАРИДА
«ДИЛ» (ЮРАК, ҚАЛБ) ТИМСОЛИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МАЙДОНИ.....35
- 6. Джалилова Зарнигор**
ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА ИНСОН СИФАТЛАРИНИНГ ГУЛЛАР
ТИМСОЛИДА ИФОДАЛАНИШИ.....42
- Лингводидактика**
- 7. Khamzaev Sobir, Gilyazetdinov Eldar**
THE PRINCIPLES OF SPEAKING SKILLS’ FORMATION AMONG
STUDENTS OF LINGUISTIC UNIVERSITIES.....48
- Тилшунослик**
- 8. Boygucheva Lola**
THE ROLE OF DISCOURSE ANALYSIS IN MODERN LINGUISTIC THEORY.....54
- 9. Кобилова Азиза**
ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР ЎРНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН
ПЕРИФРАЗЛАР ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....59
- 10. Mamanazarova Gulhayo, Paluanova Halifa**
ISSUES ON OIL AND GAS TERMINOLOGY IN LINGUISTICS.....65
- 11. Melikova Elnora, Abdullayeva Nargiza**
PRIMARY AND SECONDARY PREDICATION.....71
- 12. Saidova Farida**
O‘ZBEK TILI LEKSIK SINONIMLARINING LEKSIKOGRAFIK TALQINI.....77
- 13. Turniyazov Behzod**
FAKTIVLIK ASOSIDAGI KAUZATSIYA.....83

14. Гафуров Бахтиёр АНАЛИЗ ЛИНГВОСТАТИСТИЧЕСКОЙ ХАРАКТЕРИСТИКИ АКЦЕНТНЫХ ФОНОВАРИАНТОВ ИМЕН СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ РУССКОГО ЯЗЫКА.....	91
15. Ибаев Анвар КОМПАРАТИВ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА.....	97
16. Исмаилов Тургун ПРЕЗИДЕНТ ДИСКУРСИДА HOMELAND КОНЦЕПТИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ОРҚАЛИ ТАСАВВУР ЭТИЛИШИ (FREEDOM, LIBERTY ҚАДРИЯТИ МИСОЛИДА).....	103
17. Камолитдинова Вазира ОКСЮМОРОН ВА УНИНГ УСЛУБИЙ - СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	111
18. Нигматова Лолахон ЎЗБЕК ТИЛИ МАХСУС КОРПУСЛАРИ – ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИНИ ЎРГАНИШ ВОСИТАСИ.....	116
19. Сабирова Ёъзоа ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА ЎЗЛАШМА ЮРИДИК ТЕРМИНЛАР ТАЛҚИНИ.....	121
20. Сулаймонова Нигора ЗАМАХШАРИЙ ГЎЗАЛ НУТҚ ВА САБР ОДОБИ ҲАҚИДА.....	130
21. Тўева Зулфия, Юлдашева Дилором БАЁН ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА.....	137
22. Xolova Muyassar BOYSUN SHEVASI ONLAYN MA'LUMOTLAR BAZASI (QIDIRISH VA SARALASH IMKONIYATLARI ASOSIDA).....	146
23. Abdullayeva Oqila Xolmo'minovna O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISH BOSQICHLARI VA MUAMMOLI JIHATLARI....	153
24. Abdunazarova Zarina Islomovna THE FORMATION OF SPEECH COMPETENCE.....	146
25. Nilufar Abduraxmonova O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISHDA LINGVISTIK ANNOTATSIYALASH TAMOIYILLARI.....	164
26. Shamuradova Naima O'ZBEK VA INGLIZ XALQ MAQOLLARINING QIYOSIY O'RGANILISHI HAQIDA (ASOSIY QISMLARINI QO'LLASH).....	171
27. Яхёева Гулнора Бахтиёровна ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ.....	175


28. Irgasheva Umida INGLIZ TILI DARSLARIDA TALABALAR KASBIY NUTQ KOMPETENTSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA STEAM TEXNOLOGIYALAR AHAMIYATI.....	179
29. Jumaniyozova Nuriya Axmedovna YURIDIK DISKURS LINGVISTIK TADQIQOT OBYEKTI SIFATIDA.....	184
30. Khayitova Feruza Abdikhalikovna THE PRACTICAL ANALYSIS OF TOPONYMS IN GREAT BRITAIN BASED ON THE STORY OF A. CONAN DOYLE "THE HOUND OF THE BASKERVILLES".....	188
31. Z. Masodiqova, Sh. Xatamqulova O'ZBEK VA NEMIS MAQOLLARINI QIYOSHLASH.....	193
32. Teshaboyev Dilmurod Rahmadjonovich, Axmadjonova Mohinur Bahodirovna SON SO'Z TURKUMINING BOSHLANG'ICH SINF DARSLIKLARIDA IFODALANGAN SHAKLLARINI AKT ORQALI TUSHUNTIRISH.....	193
33. Maxmurova Mavjuda Halimovna METAFORALAR NUTQ SHAKLI SIFATIDA.....	204
34. Nazarov Rustam Irkinovich THE IMPORTANCE OF PAIR WORK AND GROUP WORK ACTIVITIES IN TEACHING ENGLISH IN TECHNICAL UNIVERSITIES.....	210
35. Saidbekova Raykhona Rustambekovna, Ruzmatova Dilnoza Ramatjonova FAMILY PERSPECTIVES IN THE NOVEL "AND THE MOUNTAIN ENCHOED" BY KHALED HUSSEINI.....	217
36. Алижон Раҳматович Қосимов, Хумора Муҳаммадиса қизи Иминова ТИЛНИНГ БИОПСИХОСОЦИАЛ ОНТОЛОГИК МАҚОМИ МУАММОЛАРИ.....	222

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Нигора Сулаймонова

Алишер Навоий номли Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти
университети доценти, филология фанлари номзоди

ЗАМАХШАРИЙ ГЎЗАЛ НУТҚ ВА САБР ОДОБИ ҲАҚИДА

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-20>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада хоразмлик аллома Маҳмуд Замахшарийнинг ахлоқий қарашлари унинг “Навобиғу-л-калим” (“Нозик иборалар”) ва “Атвоқу-з-заҳаб” (“Олтин шодалар”) номли икки дидактик асари воситасида ўрганилган. Ҳар икки асарда Маҳмуд Замахшарий насрий шаклда ҳикматли ва ибратомуз сўзлар кўринишида ўзининг турли жабҳаларга оид ахлоқий қарашларини батафсил баён этган.

Мазкур мақолада алломанинг турли йўналишлардаги панд-насихатлари таснифланиб, улардан сўзлашув ва муомала одоби, нутқ маданияти, тил меъёрлари, сабр ва қаноат тушунчалари, уларнинг инсон ҳаёти, турмуш тарзидаги аҳамияти каби мавзуларга доирлари саралаб олиниб, ҳаётини мисоллар ёрдамида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Маҳмуд Замахшарий, “Навобиғу-л-калим” (“Нозик иборалар”), “Атвоқу-з-заҳаб” (“Олтин шодалар”), ахлоқий қараш, панд-насихат, ҳикматли сўз, тил, тилни тийиш, сўзлашиш одоби, сабр-қаноат.

Нигора Сулаймонова

Ташкентский государственный узбекский
язык и литература имени Алишера Навои
доцент Университета, кандидат филологических наук

ЗАМАХШАРИ О КРАСИВОЙ РЕЧИ И МАНЕРАХ ТЕРПЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В этой статье нравственные взгляды хорезмского ученого Махмуда Замахшари изучаются в двух его дидактических трудах: «Навобиғу-л-калим» («Тонкие фразы») и «Атвоқу-з-заҳаб» («Золотые ожерелья»). В обоих произведениях Махмуд Замахшари изложил свои нравственные взгляды на различные аспекты в форме прозы, мудрых и поучительных слов.

В этой статье классифицируются учения ученого в различных областях, отбираются и анализируются их темы речи и поведения, речевой культуры, языковых норм, понятий терпения и выдержанность, их значения в человеческой жизни и образе жизни, а также анализируется на примерах из реальной жизни.

Ключевые слова: Махмуд Замахшари, “Навобигу-л-калим” (“Тонкие фразы”), “Атвоку-з-захаб” (“Золотые ожерелья”), нравственные взгляды, наставление, мудрые изречения, культура речи, терпение, выдержанность.

Nigora Sulaymonova

Tashkent State Uzbek language and Literature named after Alisher Navoi
associate professor of the University, candidate of philological Sciences

ZAMAKHSHARI ABOUT BEAUTIFUL SPEECH AND MANNERS OF PATIENCE

Annotation: In this article, the moral views of the khorezm scholar Mahmud Zamakhshari are studied through his two didactic works, “Navobigu-l-kalim” (“Delicate Phrases”) and “Atvoqu-z-zahab” (“Golden necklaces”). In both works, Mahmud Zamakhshari elaborated his moral views on various aspects in the form of prose in the form of wise and instructive words.

This article classifies the teachings of the scholar in different areas, selects them from the etiquette of speech and behavior, speech culture, language norms, the concepts of patience and contentment, their importance in human life, lifestyle and analyzes them with the help of real-life examples.

Key words: Mahmud Zamakhshari, “Navobigu-l-kalim” (“Gentle expressions”), “Atvoku-z-zakhab” (“Golden necklaces”), moral views, manual, wise sayings to constrain, a culture of the speech, patience, consistency.

*Сабрни сен ўзинга айла тортиқ,
Сенга сармоя йўқдир андин ортиқ.*

Махмуд Замахшарий

Миллатни миллатлигини белгиловчи асосий кўрсаткич, шубҳасиз, унинг тилидир. Шу маънода ўзбек адабий тили дунёдаги энг бой тиллардан бири сифатида эътироф этилади. Унинг шевалар бўйича ранг-баранглиги ўзбек тилига алоҳида жозибadorлик, гўзаллик бахш этади. Ҳазрати Алишер Навоий ўзбек адабий тилини туркий тиллар ичидаги, “жаҳон тиллари саҳнаси”даги нуфузини ўз асарлари билан исботлаб берди. Бироқ тилининг мажозий маъноси ҳам борки, қайсики, жисм каби ишлатилувчи аъзомизга нисбатан қўлланиладиган бу атама кишиларнинг сўзлашув одобига нисбатан ҳам қўлланилади.

Миллий адабий тилимиз тарихида нутқни маънодор ва гўзал тарзда ифода этишга, умуман сабр ва қаноатли бўлишга оид нодир манбалар мавжуд. Хоразмлик аллома Махмуд Замахшарий ҳам ўз асарларида бу борада бир қатор ибратли фикрлар билдирган. Жумладан, вақтида ва ўрнида гапириш ҳақида фикр билдириб, “Кимки икки жағи орасидаги нарсани (яъни тилини) тиймаса, доим аттанганда бўлади. У тилини вақтида сақлай олмагани учун гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига ағдарилиб, тунларини уйқусиз ўтказди. Агар тили маҳзун (жим) бўлганида эди, қалби маҳзун бўлмас эди. Тилни соқов қилишни билмаган одамнинг жонини сақлаши узокқа бормайди” [3,72]. Бугунги кун нуктаи назаридан айтадиган бўлсак, қачон, қайси сўз(гап)ни кимга, қандай қилиб айтиш лозимлигини билишдадир. Чунки сўзлашишнинг тармоқлари кенгайиб бориши баробарида (оммавий ахборот воситалари, интернет, мобил алоқа воситалари, виртуал оламнинг бошқа каналлари), биринчидан, тил меъёрларига амал қилиш, иккинчидан, сўзлашиш одоби, маданиятига бўлган эътибор кун сайин ортиб бормоғи лозим. Бироқ биз ишонч билан бу талаблар бажарилаётганлигини эътироф эта олмаймиз. Аксинча, тил меъёрларининг қўпол тарзда бузилиши миллий адабий тилимизнинг бузилишига олиб келаётганини, шеваларнинг аралашуви натижасида тушунарсиз сўзлашув амалиётлари юзага келаётганлигини кўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам баркамол шахс тарбиясида бу омилга жиддий эътибор қаратиш, айниқса, ўқувчи-ёшларнинг сўзлашув одоби ва маданиятини тарбиялашда тарихий кадрларимиз,

жумладан, Маҳмуд Замахшарийнинг тил ҳақидаги ўғитларидан ўринли фойдаланиш тавсия этилади.

Маҳмуд Замахшарий тилни тийиш ҳақида гапирар экан, бу нарсани бошқара олмаслик оқибатини шундай талқин қилади: **“Агар тилингнинг ортиқча сўзлашига эга бўла олмасанг, унда тизгининг жиловини шайтонга топширган бўласан”** [1, 52]. Шунинг учун ҳам халқимизда “оз ва соз сўзлаш” ҳақида ибратли нақл мавжуд. Қолаверса, Замахшарийнинг таъбири билан айтганда, **“Кўп ортиқча сўзлашув эшитувчини ранжитар”** [1;70]. Замахшарийнинг бу фикрини хитой файласуфи Лао Цзи “Кўп гапирувчи киши кўп муваффақиятсизликка учрайди” тарзида талқин этади.

Замахшарийнинг тил ҳақидаги ўғитларида ҳар бир сўзнинг мазмуни ва моҳиятини англаш, сўзлашдан олдин унинг маъносини сўзлашув мавзусига қанчалик монандлигига диққатни қаратмоқ лозимлигини эътироф этади. Чунки ўзбек тилидаги айрим сўзлар бир неча маъно касб этиб, уларнинг мазмуни ва моҳияти гап (сўзлашув) контекстига кўра турлича талқин этилиши мумкин. Шу маънода Замахшарийнинг **“Кўп сўз-иборалар борки, одамларга улар фасохатли кўринса-да, Аллоҳ наздида улар номақбулдир, сўзловчини ҳам, эшитувчини ҳам мулзам қилур”** [1, 58], – деган гаплари ибратлидир. Зеро, ноўрин ишлатилган сўз туфайли ўзгаларга озор етказиш мумкин. Бу озор, маънавий жароҳатнинг асоратлари йиллар давомида сақланиши, айрим ҳолатларда умрбод унутилмаслиги мумкин. Бу борада Замахшарий шундай дейди: **“Кўпинча тил билан етказилган жароҳат қилич билан етказилган жароҳатдан оғирроқдир”** [1, 58].

Маҳмуд Замахшарийнинг бу фикрлари ўзбек халқ мақолларида ҳам ибратли тарзда талқин этилган, яъни унда айтилишича, “Қиличнинг захри кетса ҳам сўзнинг захри кетмас”. Шунинг учун ҳам халқимизда тилни тийиш, ёмон сўз билан ўзгаларнинг дилига озор етказмаслик, сўзларнинг маъзини яхшилаб чақишга даъватлар мавжуд. Бу ҳолат ҳам Замахшарий эътиборидан четда қолмаган. Яъни аллома **“Кўп сўзлар борки, улар сени жангу жадалга солиб, ҳалокатга гирифтор қилади ёки улардан қайтарса ҳам елка чуқурингни гул каби қизарган ҳолга келтиргандан кейин қайтаради (яъни кўп машаққатлардан кейин)”** [1, 58], – деган ўғити билан инсонларни тилга нисбатан эҳтиёткор, эътиборли бўлишга чақиради.

Тил шундай қудратли қуролки, бу қуролни одамлар бутун ҳаёти давомида “елкаларида кўтариб юрадилар”. Ундан қандай фойдаланиш эса эгасининг одоби, маданияти ва маънавиятига боғлиқ. Бу ҳақда Замахшарий **“Қанча қуроллар бор, ўзларини кўтариб юрганларга: тушир мени (кўлингдан келмаса, нима қиласан мени кўтариб юриб), дейди. Қанча сўзлар бор, уларни айтаётганларга: қўй мени (эпломасанг нима қиласан гапириб), дейди”** [3;109].

Ҳамма нарсада меъёр, ўлчов бўлади. Шунга кўра Замахшарий сўзлашув одоби, сабрли бўлишни образли қилиб шундай таърифлайди: **“Тилнинг яхшиси бежо сўздан тийилгани, гапнинг яхшиси тарозида тортилгани”** [3, 102]. Аслида сўз тарозига қўйиладиган буюм бўлмасада, Замахшарий унинг вазни нақадар салмоқли эканлигига ишора қилган ҳолда шундай фикрни илгари сурган. Шунингдек, Замахшарийнинг асарларида тилни тийишга даъват этувчи **“Олдин ўйла, кейин сўйла”, “Эй бўтам, тилингни ёмон сўзлардан сақла”** [1;79] каби панду насихатларни ҳам учратиш мумкин. Аллома ўз асарларида, айниқса, ёлғон сўзлаш иллатини қаттиқ қоралайди. Шунга ишора тариқасида Замахшарийнинг **“Нима ҳақда ва нима учун гапираётганингнинг тадбирини қилмагунча оғзингдан бирор сўз чиқмасин** [3, 109] – деган гапи ёлғон ёки ножўя сўзлашдан сақланишнинг “рецепти” сифатида қаралиши мумкин.

Замахшарийнинг тилни ўрнида, белгиланган тартиб асосида ишлатиш ҳақидаги ғоялари кейинги асрлар давомида ўзбек халқининг энг илғор қатламлари, олимлари, ёзувчи ва шоирлари учун ҳам дастуруламал вазифасини ўтаб келган. Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий тил(сўз)дан ўринли фойдаланишнинг заргарона тавсифини бериб Замахшарий ғояларини ривожлантирган. Абдулла Қодирий айтадики, “Йўсинсиз равишда хотирага келган ҳар бир сўздан жумлалар тўқимок фазилат саналмайдир, сўз – қолип, фикр

эса унинг ичига кўйилган ғишт бўлсин”. Бу фикрлар бугунга келиб ўзининг аҳамиятини икки хисса оширди, дейиш мумкин. Чунки оммавий ахборот воситаларининг тури ва тармоғи кескин ошиб бораётган бугунги кунда тил меъёрларига амал қилиш, Абдулла Қодирий таъкидлаганидек, тилни ўрнида ишлатиш борасида барча ишларимиз рисоладагидек, деб айта олмаймиз.

Турли замонларда алломаларимиз ўз асарларида кўп сўзлаш одобдан эмаслигига ишора қилганлар. Айниқса, давраларда сўзлашиш ўзига хос меъёр ва одобни талаб этади. Шу маънода, Маҳмуд Замахшарийнинг куйидаги фикрлари ибратлидир: **“Гапинг жимликдан афзал бўлса гапир”** [3, 102]. Акс ҳолда сукут сақлаш ўша гапдан афзалдир. Шу фикрни давом эттирар экан, Замахшарий Аристотелнинг ибратомуз гапларини мантиқан давом эттирган. Яъни Аристотелнинг **“Ақли калта кишининг, одатда, тили жуда узун бўлади”** шаклидаги гапини Замахшарий **“Гапнинг енгил-елпи бўлиши ақлнинг озлигидан дарак”**лигини [3, 102] уқтириб ўтади.

Ўз сўзларини саралаб, сабр-қаноат, босиқлик ва вазминлик билан сўзловчи кимсаларни Замахшарий ақли ва билимли кишилар санайди ва **“Гапирувчига ҳеч нарса вазминлик ва босиқликдек зийнат бўлолмайди”** [3, 102], яъни аллома вазмин сўзлашни кишининг зийнати сифатида қадрлайди.

Тарихий манбаларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, Замахшарийнинг тил ва ундан ўринли фойдаланиш ҳақидаги қарашлари бошқа манбаларда ҳам қайд этилган. Жумладан, ҳадиси шарифда ҳам **“яхши гап сўзлаш ёки сукут сақлаш”** сифати амаллар ичида энг муҳими ҳисобланиши бот-бот такрорланади. Дарҳақиқат, инсон қанча кўп гапирса, шунча кўп хато қилади. Кўп гапирган одам ғийбат, ёлғон ва ҳатто тухматга ҳам ўтиб кетиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда айтилган фикрни инсон ҳар бир гапини ўйлаб кўриши ва уни яхши деб топса, кейин тилига чиқармоғи, аксинча бўлса, индамай туриши даркор, деб тушуниш мумкин.

Аллома Замахшарийнинг сукут сақлаш борасидаги фикрларининг давоми сифатида куйидаги ривоятни келтириш мумкин. Лукмони Ҳаким Довуд алайҳиссалом ҳузурига кирганида у зот совут тикаётган эди. Лукмони Ҳаким бундан олдин совут кўрмаган эди. Шу сабаб кўрганларидан таажжубга тушди. Бу ҳақда сўрашни ирода қилди, аммо ҳикматлари бундан тўсди ва ўзини тийиб, бу нарса нима эканлиги ҳақида сўрамади. Довуд алайҳиссалом ишларини тугатиб, совутни кийди ва Лукмони Ҳакимга қараб: **“Совут уруш учундир”**, – деди. Шунда Лукмони Ҳаким ўзига-ўзи: **“Сукут ҳикматдир”**, – деб уқтирди.

Донишманд Мавлиқ Ажлий деди: **“Бир иш бор, мен йигирма йилдан бери унинг талабидаман. Лекин қодир бўлолмайман. Аммо унинг талабини ташламайман”**. **“Нима у”**, – деб сўрашди. **“Ўзимга аҳамияти йўқ нарсадан сукут қилмоқ”**, – дея жавоб қилди. Бу борада Фаридиддин Атторнинг **“Панднома”** асарида айтилган гаплар ҳам ибратлидир, яъни у айтади:

Кимки кўп сўйлар, гапи бисёр эмиш,
Кўксида қалби анинг бемор эмиш [2, 201].

Замахшарийнинг тилни меъёрида ишлатиш борасидаги фикри ҳам ибратлидир: **“Ақли, ғофил кишининг (сукут сақлаб) жим туриш ҳолати жоҳил, паришон кишининг узридан афзалдир”** [1, 55]. Шунингдек, тилдан чиққан маъноли ва ёқимли сўзларга ҳам Замахшарий томонидан жуда гўзал таъриф берилган: **“Тилингдан чиққан садақа (яъни панду насихатинг ва мавъизаю ҳасананг) баъзан қўлингдан (мол-дунёнгдан) чиққан садақангдан кўра хайрлироқдир”** [1, 57].

Таъкидлаб ўтганимиздек, барча замонларда сабр ва қаноат инсоний фазилатларнинг энг қадрлиси сифатида эъзозланиб келинган. Бу фазилат, аввало, кишидан тилни гўзал ва ўринли, ўзига хос сабр билан ишлатишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам кўплаб алломалар инсонларда тарбияланадиган бу фазилат ҳақида классик мақомдаги асарлар яратганлар. Маҳмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат ҳақидаги қарашлари бугунги кунда ҳам ўзининг

маънавий-маърифий аҳамиятини йўқотган эмас. Зеро, унинг таъбирича, **“рутбаларнинг юксаги қаноатдир”**.

Дарҳақиқат, **“Сабрнинг таги сариқ олтин”, “Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битади”,** каби ўзбек халқ мақоллари асрлар давомида сабр ва қаноатнинг нафақат у ёки бу кишининг шахсияти, балки бутун инсониятнинг тарихий қадрияти сифатида шаклланган. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Замахшарий ўзининг дидактик аҳамият касб этувчи **“Атвоқу-з-заҳаб”** (“Олтин шодалар”) номли асарида **“Қаноат юксак чўққига кўтарилишнинг сабаби”** [3, 104] эканлигини таъкидлайди.

Инсоннинг моддий ҳолати қандай бўлишидан қатъи назар Маҳмуд Замахшарийнинг айтишича, **“Қашшоқнинг қаноати, гарчи унинг (қашшоқнинг) юзлари тупрокқа беланиб, йиртиқ-ямоқ кийимда бўлса ҳам, уни сенинг кўзингга шоҳона либосда кўрсатади. Бойнинг ўлгудай очкўзлиги эса, гарчи у олдинда зар кийимларда турган бўлса ҳам, уни сенинг кўзингга бечора, увадаси чиққан ҳолда кўрсатади”** [3, 104]. Бу фикрлар билан Замахшарий, аввало, меҳнатни, меҳнат кишисини қадрлаш ғоясини илгари сурган бўлса, иккинчи навбатда, бойлик орттиришга нисбатан нопок ҳаракатлар туфайли бой кишининг “зар кийимлар”и “увадаси чиққан”дек кўринишига ишора қилиб, одамларни сабр-қаноатли бўлишга чакиради.

Замахшарий ўзининг дидактик қарашларида инсон руҳиятида мавжуд бўлиб, унинг фаолиятини **“бошқарадиган”**, турли хатти-ҳаракатларга йўналтирувчи иллатлар айнан сабр қаноати заиф кимсалардагина содир бўлиши мумкинлигини уқтиради. Шундай иллатлардан бири енгил-елпи ҳаёт кечирувчиларга нисбатан унинг **“Ўйин-кулгунни улфат тутадиган кимса ҳеч қачон машаққатларга сабр қилувчи кишидек бўлмас”** [3, 91], – деган фикри ғоят ибратлидир.

Маҳмуд Замахшарий сабр-қаноат ҳақида фикр билдирар экан, бу фазилатнинг мазмуни ва моҳиятига, сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратади. Зеро, фақат сабр ёки қаноат билангина инсон ҳаёти фаровон бўлиб қолмайди, сабрли киши фақат шу фазилати учунгина комил бўлиб қолмайди. Маҳмуд Замахшарий ҳақли равишда **“Зийрак, мулоҳазали, сабрли киши дунё ва охиратда фойдаси бор ишда ҳеч тўхтамас”**лигини [3, 91] уқтириб ўтади.

Маҳмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат борасидаги қарашлари, айниқса, аҳмоқ ва тоқатсиз кишиларга ибратлидир. Аллома айтадики, **“Табиати тоза ва тўғри, қадри баланд ва беозор бўлган оқил ҳар қандай ҳолатда балога сабр қилади, аҳмоқ эса балога тоқатсизлигини турли баҳоналар билан оқламоқ истади”** [3, 76], яъни қадри баланд инсонларнинг сабру қаноат борасидаги ибратли хатти-ҳаракатлари сабрсизларга намуна бўлишини эътироф этади.

Маҳмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат ҳақидаги қарашларига ҳамоҳанг тарзда бошқа алломаларнинг битиклари ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, бу ғоя мир Алишер Навоий ҳазратлари томонидан ҳам гўзал мисраларда ривожлантирилган. Навоий бобомиз айтадики:

Сабр била боғлиғ иш очилур,
Ишда ошукқон кўп тойилур,
Кўп тойилғон кўп йиқилур.

Ўзбек адабиёти тарихида ўзининг масалчилик асарлари билан ўчмас из қолдирган Гулханий ҳам сабр ва қаноат ҳақида кўплаб асарлар битган. Ўз асарларининг бирида Гулханий шундай дейди:

Сабр била баста эшиқдир кушод,
Сабр била топди эронлар мурод,
Сабр сенинг дардингга дармон бўлур,
Шўра замин боғила бўстон бўлур.

Сабр ва қаноат инсонларнинг ҳаёт тарзига айланиши бу ҳақда турли ривоятлар ва мақоллар тўқилишига сабаб бўлган. Зеро, ривоятлар ва мақолларнинг асл мақсади инсонларни эзгуликка чорлаш, маънавиятни тарғибот қилишдан иборат. Шу маънода

Тоқатлига тоғлар эгар бошини,

Тоқатсизнинг итлар еяр ошини

тарзидаги ўзбек халқ мақоли Маҳмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат ҳақидаги панд-насихатлари асосида юзага келган бўлиши мумкин.

Айримлар сабр ва қаноат фақат йўқчиликда, ночорликда, ташвишли кунлардагина керак бўлади, деган фикрда бўладилар. Юзаки қараганда шундай туюлади ҳам. Бироқ сабр ва қаноат инсониятнинг барча қатламлари учун керак бўлган фазилатдир. Бунга ҳаётда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биргина мисол, бой-бадавлат оилада вояга етган ҳамма фарзандлар ҳам оқил бўлавермайди. Бунга, аввало, бевосита ота-оналарнинг, болаларнинг зийраклиги, мулоҳазалилиги, кенг маънода уларнинг педагогик компетентлилиги пастлиги, ўзига хос кунт, сабр билан бу борадаги билимларини оширишга ҳаракат қилмаслиги, натижада уларнинг болалари борига сабр, шукр қилиш ҳиссидан бебаҳра бўлиб, ортиқча ҳаваслар оқибатида ёмон йўлга кириб кетиш ҳолатлари кузатилади. Демак, “сабр доим керак. Яхшилик етганида ҳам, ёмонлик етганида ҳам, зарар-камчилик пайтида ҳам, фойда-борчилик пайтида ҳам. Йўқчиликка сабр қилиш осон. Аммо борчилик, тўқчиликка ҳамма ҳам сабр қила олмайди. Аслида эса банда оғир пайтда бардош билан, неъмат етганида эса шукр ва яхшилик билан сабр қилиши керак” [4, 284].

Маҳмуд Замахшарийнинг сабр ва қаноат ҳақидаги қарашларини таҳлил қилар эканмиз, аллома ўз ғояларида шу йўсиндаги мазмунни илгари сурганини гувоҳи бўламиз. Шу маънода Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросини комилликка етакловчи тизимнинг концептуал асосининг таркибий қисмларидан бири сифатида эътироф этиш ўринли. Қолаверса, бу асос шу йўналишда амал қилиниши лозим бўлган ишончли ёндашув ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, Маҳмуд Замахшарий Қуръони карим тафсирини мукаммал талқин этган муфассирлар учлигидан ўрин олган ҳамда бу йўналишда бой илмий-маънавий мерос қолдирган. Шунинг учун ҳам унинг қарашлари ислом таълимотида илгари сурилган ғоялар билан муштаракдир. Зеро, “Қуръони каримда сабрга даъват кўп такрорланади. Чунки Аллоҳга тоатда ҳам, гуноҳдан сақланиш, йўлдаги тўсиқларни енгиш учун ҳам, заифлик келиб қолганда ҳам, ҳавои нафсни жиловлаш учун ҳам сабр керак”лиги [4, 286] ислом таълимотининг ҳеч эскирмайдиган, инсоният, жамият борки барча замонларда, шу жумладан, бугунги кунда ҳам ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотмайдиган қадрият сифатида эътиборлидир.

Қуръони каримдаги даъватларга муштарак тарзда ҳадиси шарифларда ҳам сабр ва қаноат хусусида ибратли фикрлар баён этилган, уларда айтилишича, “сабр Аллоҳ таоло томонидан бандага инъом этилган энг катта ва кенг ато ҳисобланади. Сабрли киши ризқнинг озига ҳам, йўқчиликка ҳам чидаб, ўзини хор қилмай, бошини тик тутиб кун кўради. Сабр неъматидан бебаҳра банда эса дунёнинг ярмига эга бўлса ҳам, тийиннинг устида ўмбалок ошиб, ўзини хор қилади, очкўзлигини билдириб қўяди. Мусулмон одам унга Аллоҳ томонидан берилган етарли ризққа сабр қилиб, қаноатли бўлиб ўтса, дунёдаги энг катта нажотга эришган шахс бўлади. Ҳақиқий бойлик молу дунёнинг кўплигида эмас, нафсининг тўқлигида” [14, 286].

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларнинг таҳлиллари асосида қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин.

Сўзлашув одобининг муҳим меъёрларидан бири сабр ва қаноат кишилик жамиятининг барча даврларида эъзозланган ҳамда фақат ҳақиқий инсонларгагина хос фазилат ҳисобланган.

Сабр ва қаноат маънавияти юксак инсонларнинг шахсиятини тавсифловчи, уларни кўркам кишилар қилиб танитувчи ноёб фазилат бўлгани учун тарихий аждоқларимиз, шу жумладан, буюк аллома Маҳмуд Замахшарий ҳам ўз асарларида одамларни сабрли ва қаноатли бўлишга даъват этган. Бу борада ўзининг мушоҳадаси, ҳаётий тажрибасига асосланган ҳолда бугунги кунда ҳам ўз дидактик аҳамиятини йўқотмаган панд-насихатлардан иборат ўлмас илмий-маънавий мерос қолдирган. Улардан оқилона

фойдаланиш баркамол авлод тарбиясининг тарихий-миллий негизини мустахкамлашга хизмат қилади.

Сабр ва қаноат тушунчаларига муҳим инсоний фазилатларни тарбиялашнинг ҳам диний, ҳам дунёвий илмларга асосланган манбаи сифатида қаралиши лозим. Зеро, Қуръони каримда, ҳадисларда ҳамда бошқа тарихий манбалар қатори Маҳмуд Замахшарий асарларида инсонларни сабр ва қаноатга даъват этувчи ғояларга амал қилиш инсонларни комилликка элтишнинг тарихан ўз исботини топган ишончли йўлидир.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 80 б.
2. Фаридиддин Аттор. Ҳикматлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Эргаш Очилов. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 256 б.
3. Фозил Зоҳид. Замахшар тасбеҳи. – Т.: Муҳаррир, 2011. – 144 б.
4. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 34-жуз. Яхшилик ва ахлоқ китоби. – Т.: Шарқ, 2012. – 448 б.
5. Баркамол шахс тарбиясида Маҳмуд Замахшарий асарларининг аҳамияти. – Т.: Баёз, 2015. – 128 б.
6. Маҳмуд Замахшарийнинг Тошкент фондларида сақланаётган асарларининг манбашунослик таҳлили. – Т.: Баёз, 2020. – 136 б.
7. На‘им. Арабча-ўзбекча луғат. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – 960 б.
8. Ҳоразмлик буюк аллома. – Т.: Фан, 1998. – 171 б.
9. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. Таҳрир ҳайати: М. Аминов, Б. Аҳмедов ва б. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.
10. Ўрта асрлар шарқининг машҳур олим ва мутафаккирлари: китоб-альбом. Ш.Салихов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 156 б.

СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
4 ЖИЛД, 1 СОН

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА
ТОМ 4, НОМЕР 1

INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART
VOLUME 4, ISSUE 1